



ХАБАР

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Ташкил этилган 2004 йил
1 нумбардан чиқиб бораётган,
e-mail: xabar@ozliber.com,
web sayt: www.21asr.uz
2013 йил 20 март,
chorshanba, 11 (487)-сон

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

БУНЁДКОРЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК АЙЁМИ



ЖАРАЁН

ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ



Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида депутатлик назорати фаолиятини кучайтириш қарор қилинди.

Бунда асосий эътибор амалдаги қонуналарнинг жойлардаги ижросига қаратилади. Хусусан, халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан Дангара, Баёзод, Риштон, Олтиариқ ва Тошлоқ туманлари, Фарғона ҳамда Қўқон шаҳарларида «Онлайн тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун ижроси атрофида ўрганилди.

4 >>>

МУНОСАБАТ

САЙҚАЛ ТОНАЁТГАН ҚАДРИЯТ

Кўклам нафаси ҳар биримизни атрофга ташлаш ва янгилашни жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланишга, фаровонлиқни таъминлаш ва эзгу анъаналаримизни авайлаб-асрашга ундаётган бир пайтда диллимизни чулғанган ободликка интилиш туйғусини ўн чандон кучайтиради

Дарҳақиқат, миллий маънавиятимиз аздалдан қандай омил ва мезонлар негизда шаклланиб келадигани шарқона янги йил бўлгани Наврўз айёми мисолида айниқса ёрқин намоян бўлади. Барчамиз доимо орзиқиб кутадиган ва катта хурсандчилик, шодона билан ўтказадиган байрам биз учун ҳаёт абдийлиги, табиятнинг устувор кудрати ва чексиз саховатининг, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси бўлиб келмоқда.

3 >>>

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР! МУҲТАРАМ МЕҲМОНЛАР!

Шу кунларда каттаю кичик барча юртдошларимиз бағрини кенг очиб, баҳор, яшариш ва янгилашни рамзи бўлмиш Наврўз айёмини «Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам!» деб, шоду хуррамлик билан кутиб олмоқда.

Шу мунаввар тонгда сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни Наврўз айёми билан чин қалбимдан табриклар, барчангизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилақларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Қадри юртдошлар!
«Нима учун биз Наврўзни доимо соғиниб, иштизорлик билан кутамиз? Нима учун бу сана барчамиз учун энг севишли, энг ардоқлайдиган байрамимизга айланиб қолган?», деган савол берилиши табиийдир. Бунинг сабаби, Наврўзи олам биз учун

тига айланб кетган қадриятлар — бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиш, беморлар, кўнгли ярим инсонларга беминнат ёрдам бериш, табаррук кексаларимизнинг дуосини олиш каби эзгу фазилатларни яққол намоян этиш, ўз қувончи ва шодлигини яқинлари, дўсти ёрлари, қўни-қўшиқчилари

«ОБОД ТУРМУШ» ДЕБ НОМ ОЛГАН ЙИЛИМИЗНИНГ НАВРЎЗИ ҲАММАМИЗГА, БАРЧА-БАРЧА ХОНАДОНЛАРГА, ОИЛАЛАРГА ТИНЧЛИК-ОМОНЛИК, БАХТУ САОДАТ, ФАЙЗУ БАРАКА КЕЛТИРСИН!

энг қадимий, асл миллий, турли мафкура ва сийosatлардан холи, урф-одатларимизга ва қадриятларимизга жавоб берадиган байрам, десам, айни ҳақиқатини айтган бўлам.

Нега деганда, Наврўз ўз руҳи ва гуялари билан ҳар қайси инсон она заманини, табиатнинг ажралмас узвий қисми эканини, табиатнинг нақадар гўзал эканини ҳис қилиб, уни эъзозлаб, ҳамнафас бўлиб яшашга ундаши билан бизга қадридир.

Ҳар қандай гараз, ғиналар ва низолардан воз кечиб, тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етиши, аҳиллик ва бирдамлик, элатлар орасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжihatлик нақадар бебаҳо бойлик эканини угулаши, ўзининг даъватлари билан Наврўз байрами халқимизнинг қарашларига гўяг ҳамоҳандир.

Айни ана шундай чуқур маъно ва маънога эга бўлгани туфайли, хосият ва файз, кут-барака ва муруват каби хусусиятларни ўзида мужассам этиши билан кун ва туни тенг келадиган шарқона Янги йилимизни — бу гўзал баҳор айёмини барчамиз орзиқиб кутамиз, эъзозлаймиз, хурсандчилик билан умуммиллий байрам сифатида ўтказамиз.

Бунинг яққол тасдиғини шу кунларда юртдошларимизнинг тобора очилиб келадиган табиятдан баҳра олиб, сумалак ва ҳалим, гўжа ва кўксолма каби баҳорий неъматлар тортилган дастурхонлар атрофида, яшил майдон ва кўкламзорларда ўтказилаётган сайл-томошаларда, миллий кураш ва улоқ чопиш мусобақаларида кўриш ва кузатиш қийин эмас.

Айни шу бетакрор фаслада одамларимиз халқимизга мансуб бўлган, унинг ода-

билан баҳам кўришга интилади. Она Ватанимизда яшайдиган, миллий, тили ва динидан қатъи назар, барча-барча юртдошларимиз ана шундай хурсандчилик кайфиятига берилиб, Наврўзни ўз қадрдон байрамидек қабул қилади.

Мана шундай қувончли дамларда бугун халқимизга катта ҳурмат ва эҳтиром билдириб, шу гўзал майдонда Наврўз шодоналаримизда иштирок этаётган чет мамлакатларнинг муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий шерик ва ҳамкорларимизни, барча азиз меҳмонларимизни сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан кутлаб, уларга миннатдорчилик билдиришга руҳсат бергайсиз.

Азиз дўстларим, қадрдонларим!
Шу ёруғ лаҳзаларда мана шундай муҳташам ва файзли майдонда жамулжам бўлган сиз азизларга, сизларнинг сиймонгизда барча табаррук кексаларимиз, мунис опа-сингилларимизга, кўзларини ёниб турган, халқимизнинг таянчи ва суянчи бўлмиш навақирон ёшларимизга — менинг фарзандларимга ўзимнинг чуқур меҳрим, севиш ва ҳурматимни изҳор этаман.

Барчангизни бағримга босиб, яна ва яна бир бор бугунги дилбар айём билан кутлаб, юрагимда, қалбимда бўлган самимий тилақларимни билдираман.

«Обод турмуш» деб ном олган йилимизнинг Наврўзи ҳаммамизга, барча-барча хонадонларга, оилаларга тинчлик-омонлик, бахту саодат, файзу барака келтирсин!
Орзу-ниятларимиз ушалсин, Ўзбекистонимиз янада обод ва фаровон бўлсин!
Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА БЎЛИБ ЎТГАН НАВРЎЗ БАЙРАМИ ТАНТАНАЛАРИДАН РЕПОРТАЖ

Киши захридан толиққан замин баҳор насимидан энтикади. Шарқираб оққан сувлар унга яна ҳаёт бахш этади. Дарахтлар сулув келинчақлардек бошига яшил гулчамбар тақади. Қиру адирларда майсалар буй чўзади. Мусаффо осмон узра чарақлаб чиққан қўёш кўнгиллари-да ёриштириб юборади. Бундай фараҳбахш дамларда инсон қалби беихтиёр қувончга тўлади. Шу кунларга етганига шукрона айтиб, шоду хуррамлик қилгиси келади.

чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, муҳтарам отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчионалари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари ташриф буюрган.

Соат 10:30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов кириб келади. Байрам тантанасига ҳозир бўлганлар давлатимиз раҳбарини қарсақлар билан кутиб олади.

Чорлов мусиқаси янграйди. Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовга берилади.

2 >>>

Ана шу табиий эҳтиёжнинг, эзгу хоҳиш-истакнинг ҳосиласи бўлиб юртимизга Наврўз кириб келди. Шаҳару қишлоқларда, маҳаллаларда қарнай-сурнай садолари янграмоқда. Кўчаларни тўлдириб бораётган одамларнинг юз-кўзларида шодуомонлик. Набирасини етаклаган отахонлар, кайвони онахонлар, ўйинқароқ бо-

лакайлар, баҳордек латофатли қиз-жувонлар, оташқалб йигитлар Наврўз сайлига ошиққали...

19 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, фан, маданият, санъат, спорт намояндalари, ишлаб

ЖИЗЗАҲДА ЯНГИ КОРХОНА ИШГА ТУШДИ

Наврўз умумхалқ байрами арафасида Жиззах шаҳрида яна битта янги корхона фойдаланишга топширилди. Вилоят ҳокимининг ахборот хизматида хабар қилинишича, умумий қиймати 6 миллиард 500 млн. сўмни ташкил этган лойиҳа асосида барпо этилган корхона — «Jizzax Toshpera tekstil» МЧЖда йилга 1 миллион 200 миң донна трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқарилади. Жиззах шаҳридаги Саюват зонаси ҳудудида жойлашган корхонанинг очилиш маросимида кенг жамоатчилик вакиллари тўғрили. Хусусан, тадбирда иштирок этган вилоят ҳокими Сайфиддин Исмоилов ишга туширилган маъмур корхонанинг вожа иқтисодийга катта фойда келтиришини таъкиллади. Эътиборлиси, «Dong Nam Industrial Co. LTD» (Жанубий Корея) компаниясининг замонавий тўқув, бўша ва тикув ускуналари ўрнатилган корхонада жами 400 та янги иш ўрни яратилди.

АНЖУМАН

Фуқаролик Жамияти

«ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СИФАТ ВА МИҚДОРИЙ ЎЗГАРИШЛАР» МАВЗУИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯДА ҚАЙД ЭТИЛГАН МАЪЛУМОТЛАР ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОҲ КАРИМОВ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ» ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ БОСҚИЧДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЭНГ МУҲИМ ОМИЛ БЎЛГАНИНИ КЎРСАТДИ

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан ўтказилган тадбирда 2012 йилда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган демократик ислоҳот ва ўзгаришларнинг бориши, фуқаролик жамияти институти, сиёсий партиалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ривожланиши, фуқаролик жамиятининг энг асосий устуни бўлган ОАВнинг демократлашуви ҳамда либераллашуви жараёнлари институти мутахассислари томонидан чуқур ўрганилгани, бу жараёнда жамиятимизда рўй бераётган ҳар қандай янгилашни ва ўзгаришлар фуқароларимиз ҳаётида яққол акс этаётгани, «Кучли

давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига» ғояси эса аҳолининг барча қатламлари томонидан қўллаб-қувватланаётгани эътироф этилди.

Дунё таърибасидан маълумки, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун, энг аввало, кучли ҳуқуқий асос керак. Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки даврлариданоқ ана шу тамойилга қатъий амал қилинди: Бош қомусимизда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи, фуқаролик институтининг ҳуқуқ ҳамда манфаатларига риоя қилиш кафолатлари мустаҳкамланди.

3 >>>

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 19 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божаона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	▲ 2108,72	1 АҚШ доллари	▲ 2035,05	1 Ҳитой куани	▲ 327,43	1 Туркия лираси	▼ 1120,25	10 Япония иенаси	▲ 214,83
1 Англия фунг стерлинги	▲ 3073,54	1 Миср фунти	▲ 300,11	1 Малайзия рингити	▲ 659,38	1 Швейцария франки	▲ 2157,60	1 Россия рубли	▼ 66,25
1 Дания кронаси	▼ 352,03	1 Исландия кронаси	▲ 16,22	1 Польша злотийси	▼ 632,38	1 ЕВРО	▲ 2648,86	1 Украина гривнаси	▲ 254,60
1 БАА дирҳами	▲ 554,07	1 Канада доллари	▲ 1988,71	1 СДР	▲ 3066,29	10 Жанубий Корея вони	▼ 18,26		

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмасди.

Шодиёна

Бунёдкорлик, ободлик ва фаровонлик айёми

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Давлатимиз раҳбари халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этди.

Муазам майдон атрофида турфа ранглардаги байроқчалар ҳилпирайди. Саҳна теграида ўрнатилган сўрилар, қўшайвонлар халқимизнинг обод ва фаровонлик белгиси — обиҳаёт олиб келади. Ҳар бир юртдошимизга таниш, кўнгилга яқин бундай файзли манзара қалбларга кўтаринкилик бағишлайди.

Фусункор майдон узра борлиқ уйғониши, янги кунни маҳз этувчи наво таралади. Саррин куй оғушида улкан мониторларда юртимиз манзаралари — ям-яшил боғлар, бепеён далалар, замонавий иншоотлар, қадимий обидалар, бунёдкор замондошларимиз қиёфаси намоён бўлади.

Майдонга Обод турмуш маҳалласи фаоллари чиқиб келади. Наврўз байрамини аҳиллик ва ҳамжиҳатликда, маҳаллани янада обод ва кўркам этган ҳолда кутиб олиш борасида кенгашади.

Наврўз ободлик, орасталик, меҳр-оқибат, хайру саховат айдири. Халқимиз бу йил ҳам Йилбошини ана шу эзгу тамойилларга мувофиқ кутиб олмоқда. Баҳорнинг дастлабки кунларидан юртимизда ободлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авжга чиқди. Умумалқ ҳашари ташкил этилиб, маҳаллалар, кўчалар, аҳоли турар-жойлари ободлаштирилди, ариқ-зоғурлар тазаланди, зиёратгоҳ, қабристон ҳамда муқддас қадимжол тартибга келтирилди, мевали ва манзарали дарактарлар, гул кўчатлари ўтказилди.

Байрам кунларида сергайрат ёшлар, кўли очик тadbиркорлар кўмакка муҳожирларга беминаят ёрдам берди. Беморларнинг ҳолидан хабар олинди. Қўни-қўшнилари бир-бирларига Наврўзнинг тансиқ таомларини илди.

Кўпчиликнинг ҳайрати ва ҳавасини уйғотадиган, юртимиздаги барча маҳаллада қарор топган бундай ҳамжиҳатлик муҳити Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида маҳалла институтини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар самараларидандир.

Муस्ताқиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўпбал қадриятлар, удум ва аъёнларимиз қайта тикланди, замон талаблари асосида бойиб бормоқда. Маҳалла идорасининг ҳуқуқ ва ваколатлари тобора кенгайтирилмоқда. Бу фуқаролик жамиятини шакллантириш, оила институтини мустаҳкамлаш, тadbиркорликни ривожлантириш, аҳолининг манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, жамоатчилик назорати ва ижтимоий шерикликни кучайтириш, пировардида, ҳаётимизни янада обод қилишда муҳим аҳамият касб этаётди.

...Саҳнага — майдонга жажжи болакайлар кириб келади, ҳар тараф шўх-шолон кулгуга тўлади. Улар ижросидаги бахтиёр болаликни, мустақил юрт фарзандларининг бегубор ва кувноқ ҳаётини тараннум этувчи жанрлар куй-қўшиқлар, жозибдор рақслар барчага завқ-шаҳқ бағишлайди...

Халқимиз азал-азалдан фарзандлар бахту иқболини ўйлаб, эзгу орзулар билан яшайди. Наврўз кунларида фарзандларига атаб, уларнинг бахтли ва фаровон келажагини ўйлаб ниҳол экиб, боғ яратди.

Президентимиз ташкиллаштирилган маҳалла маҳалласида маҳалла қандай бўлиши амалга оширишда интилайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизиде, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб

ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир.

Бу соҳада амалга оширилаётган ишлар самараси ўғил-қизларимизнинг соғлом ва баркамоллигида намоён бўлмоқда. Таълим тизимининг умумий ўрта, ўрта махсус ҳамда олий таълим тизимидан иборат барча босқичида замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, чет тилларида эркин сўзлашадиган, жисмонан чиңққан, эътиқоди мустаҳкам авлод вояга етмоқда.

Бу Франциядаги «Инссад» халқаро бизнес мактаби томонидан Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрланган «Инновацияларнинг глобал индекси» маърузасида ҳам ўз ифодасини топди. Инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил қилинган ушбу маърузада Ўзбекистон 141 мамлакат орасида инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўйича 35-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса 2-ўринни эгаллади.

Ёшларимиз энг нуфузли танловларда, Олимпиада ва жаҳон чемпионатларида ҳеч кимдан кам эмаслигини исботламоқда. 2012 йилда футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар ва ёшлар терма жамоалари Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, жаҳон чемпионатида йўлланма олди.

Муस्ताқилликнинг 21 йиллиги арафасида пойтахтимизда қуриб битказилган «Бунёдкор» спорт комплекси мамлакатимиз спорт ҳаётида, қолаверса, Ўзбекистон тарихидаги катта воқеа бўлди. Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФА томонидан Ўзбекистон футбол федерациясининг «Fair Play» (ҳалол ўйин) соврини билан тақдирлангани Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда футболни ривожлантиришда қаратилган юксак эътиборнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи бўлди.

Тинч-осойишта элда хурсандчилик, тўй-томоша бўлади, ҳаловатли халққа байрамлар ярашади. Мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат самарасида осмонимиз мусаффо, тинчлик-барқарорлигимиз мустаҳкам, турли миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳил ҳаёт кечирмоқда.

Бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун барақа кўтарилди, дейди халқимиз. Дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган нотинчликларни, таназзулни кўриб, ушбу нақл ҳикмати янада чуқурроқ англаймиз. Шундай тинч, осуда, фаровон юрда яшаётганимизга шукроналар айтамыз.

Тинчлик барқарор юрда кут-барақа, ривожланиш бўлади. Буни глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётган бугунги шароитда мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор суруятларда ривожланаётганида ҳам кўриш мумкин. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарасида 2012 йилда Ўзбекистон аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтириш таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди. Аҳоли даромадлари миқдори 17,5 фоизга кўпайди.

Янги иш жойлари ташкил этиш, айниқса, ёшларни ва хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган эътибор натижасида аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Ўтган йилда ушбу мақсадга қаратилган комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳисобидан қарийб бир миллион янги иш ўрни ташкил

этилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш бундан буён ҳам энг устувор йўналишлардан бири бўлиб қолади. Хусусан, жорий йилда 970 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади. Бу оилалар фаровонлигини, маҳаллалар ободлигини, ёшларнинг ўзига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бу борада кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик соҳаси алоҳида ўрин тутди. Бугунги кунда ушбу сектор жамиятимиздаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг муҳим омилга, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда. Соҳа вакиллари халқимиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўқинлиги, иқтисодиётимизнинг жадал ривожланишига муносиб ҳисса қўшаётди.

Бу жиҳатлар 2012 йил 14 сентябрь кунини Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда хорижлик ишбилармонлар, етакчи экспертлар томонидан ҳам эътироф этилди.

Янгиликлар — нафақат табиатта, балки жамият ҳаётига ҳам хос жараён. Наврўз арафасида янги уй-жойлар, корхоналар, тиббиёт ва ўқув муассасалари, хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишига топширилди. Бу иншоотлар Ватанимиз чиройига чирой қўшиш билан бирга, юртдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилашга хизмат қилади.

Наврўздан Наврўзгача мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида улкан ишлар амалга оширилди. Йирик ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилди.

Самарқанд вилоятида Германиянинг «МАН» компанияси билан ҳамкорликда юк автомобибли ишлаб чиқариладиган янги комплексни бунёд этишнинг иккинчи босқичи яқунланди. Суригил кони базасида дунё мезонлари бўйича ҳам ноёб бўлган Устюрт газ-кимё комплекс қурилиши бошланди. Қашқадарё вилоятида Жанубий Африканинг «Сасол» компанияси ва Малайзиянинг «Петронас» корпорацияси билан ҳамкорликда синтетик суяқ ёқилги ишлаб чиқариш бўйича йирик лойиҳани амалга оширишга киришилди.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилгандан буён бу ерда 12 та корхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2012 йилда улар томонидан қарийб 80 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. «Ангрен» махсус индустриал зонаси дуаллида қиймати 186 миллион долларда 8 инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

2012 йилда Ўзбекистонда барча кишлоқ хўжалиги экинлари — ғалла, пахта, сабзавот, полиз экинлари ва узумдан юқори ҳосил олинди. 7 миллион 500 минг тонна ғалла, 3 миллион 460 минг тоннадан ортиқ пахта, 2 миллион тоннадан зиёд картошка ва 9 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари етиштирилди.

Кишлоқ хўжалигида бозор муносабатларининг ривожлантирилганлиги, фермерлик ҳаракати кенг имкониятлар берилаётгани бундай юксак натижаларни қўлга киритишда муҳим омил бўлмоқда.

Хизматларнинг юқори технологияларга асосланган ва ботин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган эътибор натижасида аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Жумладан, 2012 йилда аҳоли ва аҳолироллаштириш хизматлари 24,5 фоизга, компьютер дастурлаш хизматлари 18 фоизга, технология асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш 17 фоизга, молия-банк хизмат-



ПРЕЗИДЕНТИМИЗ РАХНАМОЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЖТМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИДА 2012 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ИЗЧИЛ ЮКСАЛТИРИШИ ТАЪМИНЛАДИ, ДУНЁ БОЗОРИДАГИ ЎЗ ПОЗИЦИЯСИНИ МУСТАҲКАМЛАДИ. МАМЛАКАТИМИЗ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТИ 8,2 ФОИЗГА ЎСДИ. АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ МИҚДОРИ 17,5 ФОИЗГА КЎПАЙДИ.

лари 17,6 фоизга ўсди.

— Ўзбекистонда баҳор байрами — Наврўзни тўртинчи марта кутиб олаётганимдан мамнунман, — дейди Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Чон Дэ Ван. — Ҳар йили ушбу айёмда тайёрланган сумалакни бажонидил тановул қиламан. Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон ҳар томонлама жадал ривожланмоқда. Буни мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кўламини йилдан-йилга кенгайтиб, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми тобора ошиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари бундан кейин ҳам изчил тараққиёт эътирофига ишонаман. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Наврўз айёми билан чин қалбимдан муборакбод этаман, тинчлик, бахт-саодат тилайман!

— Наврўз — ўзига хос ноёб, ажойиб байрам, — дейди Франция Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Франсуа Готье. — Бу байрам барчага кувонч улашди, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди. Биз ҳам бу шодиёнада иштирок этиб, давлат ва жамоат арбоблари, хорижлик меҳмонлар, ҳамкасбларимиз билан дийдор кўришимиз, байрам дастурини катта кувонч билан мириқиб томоша қиламиз. Байрам тантанасидаги кўтаринки рух, одамлар юз-қўзидаги кувонч ва шодлик юртингиздаги тўқинлик, фаровонлик, тинч ва осуда ҳаётдан далолатдир.

Наврўз байрамини хурсандчилик, ўйин-кулиги, яхши тилак ва истаклар билан кутиб олиш ва ўтказиш халқимизнинг эзгу фазилатларидандир. Бу кунларда халқ термалари, бахшлар айтишуви, ҳазил-мутойиба, қўшиқлар, лапарлар янграган. Улоқ-қўпқари, кураш, мерганлик, қўчқор ва хўроз уриштириш каби томошалар ўтказилган. Дорбозлар, масхарабозлар, қўғирчоқбозлар, полвонлар ўз санъатини намойиш этган. Сумалак, ҳалим, қўқосма каби

хилма-хил баҳорий таомлар пийрилган.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ўтказилаётган «Асрлар салоси» анъанавий маданият фестивали ана шу бой маънавий меросимизни кенг тарғиб этиш, санъатнинг турли йўналишларида фаолият кўрсатаётган ижодкорларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётди.

«Art Week Style.uz — 2012» санъат ҳафталиги ҳам ўзига хос маданият ва санъат байрамига айланди. Ҳафталик доирасида ўтказилган «Олтин Гепадр» иккинчи халқаро Тошкент кино-форуми, «Theatre.UZ/2012» халқаро театр фестивали, VI халқаро Тошкент фотобиеннаlesi каби йирик лойиҳаларда мулаққат, кино, театр, фотография, тасвирий санъат, дизайнлик, мода, меъморлик каби кўпбал соҳа ва йўналишлардаги ютуқлар намойиш этилди.

2012 йилда Конституциямиз қабул қилинганнинг 20 йиллигини нишонладик. Обод турмуш йили арафасида давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов гоёси ва ташаббуси асосида пойтахтимизнинг Алишер Навоий кўчасида бунёд этилган қўпқаватли замонавий уйлар фойдаланишга топширилди. Бу шаҳарнинг меъморий қиёфасини янгилаб, бошқа иншоотлар билан уйғунлик касб қилди. Пойтахтимизни замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида режали ривожлантиришга қаратилган бундай изчил ишлар самарасида Тошкент дунёдаги экологик жиҳатдан тоза ва кўркам қиёфага эга етакчи пойтахт шаҳарлар қаторидан жой олмоқда. 2012 йилда Буюк Британиянинг нуфузли Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси эълон қилган рейтингда Тошкент дунёнинг яшаш қўлай бўлган шаҳарлари орасида қайд этилгани бунинг далилидир.

Президентимиз Ислоҳ Каримов тақлифига биноан Обод турмуш йили, деб эълон қилинган жорий йилда мамлакатимиз қиёфасини туб-

дан ўзгартириш, шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий архитектура талаблари асосида уй-жойлар, ижтимоий объектлар барпо этиш, аҳолига муносиб турмуш шароитларини яратиш борасидаги бундай ишлар янада кенг кўлаб касб этмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурига мувофиқ қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган 10 мингта яқка тартибдаги замонавий уй-жой қишлоқларимиз қиёфасини яхшилаш, одамларнинг турмуш маданиятини оширишга хизмат қилади.

Бундай юксалишлар юртдошларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарошини ҳам ўзгартирмоқда. Одамлар бугунги ҳаётдан мамнун бўлиб, келажакка катта ишонч билан яшамоқда. Каттаю кичикнинг ҳаётини, меҳнатга муносабати ўзгартириш, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бормоқда.

— Наврўз тантаналарини томоша қилар эканман, Юртбошимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланганига, одамларимизнинг турмуш даражаси ўсиб, дунёқарошини ўзгартириб бораётганига яна бир бор амин бўлдим, — дейди Фарғона вилояти Бешарик туманида яшовчи меҳнат фахрийси Комилаби Худойназарова. — Мисли кўрилмаган бу ютуқлар, бу ўзгаришлар ана шу тантаналар шуқуҳида, юртдошларимизнинг кувончида ҳам яққол кўриниб турибди. Шундай дорилмон кунларга етганимизга шукроналар айтамыз. Илоҳим, юртимиз тинч, ҳаётимиз обод, халқимиз фаровон бўлсин.

Бахтли яшашнинг омилларидан бири саломатликдир. Замонавий шифо масканлари бунёд этиш, тиббий хизмат сиёсатини ошириш, касалликларнинг олдини олиш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, болалар спортини ривожлантириш каби йўналишларда амалга оширилаётган ишлар халқ-

имизнинг ана шундай бахтли ҳаёт кечиршини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Республика иқтисослаштирилган жарроҳлик марказида замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган, юрак-қон томир касалликларига чалинган беморларга жаҳон стандартлари даражасида диагностика қилиш ва уларни даволаш имконини берадиган Кардио-жарроҳлик мажмуасининг очилиши аҳоли саломатлигини сақлашга қаратилган эътиборнинг яна бир ифодаси бўлди.

Жорий йилда ҳам обод турмушнинг муҳим шартини сифатида инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, бунинг учун соғлиқни сақлаш тизимини замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, касалликларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш масалалари устувор вазифа бўлиб қолади.

...Сумалак — минг даргда даво тансиқ таом. Кўпчиликнинг меҳридан, бирдамлик ва аҳилликдан тотли бўлган неъмат. Халқимиз ҳар йили баҳорда дошқозонларда сумалак пиширади. Қўни-қўшни, маҳалла-қўйга таркатади. Бу танларга қувват, руҳга тинчлик бағишлайди. Ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди.

Ўзбекистонимизнинг бош саҳнасида сумалак тайёрланиши ана шундай миллий қадриятларимизни, эзгу интишларни ифодалайди. Шўх-шолон болакайлар «Сумалак» қўшини ижро этади.

Санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш хонандалар ўзларининг янги куй-қўшиқларини, рақсларини ижро этадилар.

Майдон узра таралган муносиқ оҳанглари, ҳофизлар хонишида Наврўз, Ватан, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳити, ёшлик, сеvgи ва вафо тараннум этилади...

Миллий бөгда ташкил этилган халқ хунармандлари кўргазмасида намойиш этилаётган маҳсулотлар бунёдкор, меҳнатсевар халқимизнинг бой маданий мероси ва юксак санъатининг ифодаси сифатида кўнгилда фахр уйғотади. Киру адирларда, дашту далаларда, кўча ва хиёбонларда дилларни эркалаб баҳор сабоси таралмоқда, борлиқни уйғотувчи Наврўз навоси янграмоқда.

Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз сайиллари, байрам шодиёналари давом этмоқда.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА мухбири

Сайқал топаётган қадрият

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Аслида Наврўз фалсафаси элимизга мансуб меҳр-оқибат, мурувват ва ҳиммат каби юксак фазилатлардан озикланиши, аждоқларимиз асрлар давомида буюк умуминсоний гоғлардан баҳраманд бўлиб камол тогганининг яна бир тасдиғидир.

Куни кеча Алишер Навоий номидаги миллий боғда бўлиб ўтган тантанада Президентимиз Ислон Каримов Наврўзнинг ҳаётимизда тутган ўрнига тўхталиб, айна шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратганлари беҳис эмас. Зеро, Наврўз мустақиллик боис қайтадан қаддини тиклаган бўлса, Истиклол гоғлари халқимизнинг қадимий анъаналари, обод турмушни ўзида мужассам этган Наврўздан мадад олиб келмоқда. Бундай фикрлар партия фаоллари ва электорат вакиллари томонидан билдириляётган мулоҳазаларда ҳам ўз аксини топапти.

— Ҳаётга муҳаббат, бунёдкорлик, меҳр-мурувват, тинчлик, ватанпарварлик ва кут-баракат рамзи бўлган Наврўз қадим замонлардан нишонлаб келинади. Турли даврларда ижтимоий гуруҳлар, синфлар манфаати нуқтаи назардан Наврўзга нисбатан ҳар хил аралашулар ҳам бўлган. Масалан, сосонийлар даврида Наврўзни ёзда ўтказиш қондалаштирилган эди. Аммо халқ уни оладатигадай баҳорнинг бошида ўтказаверган. Бунинг оқибатида Наврўз бир йилда икки марта нишонланган пайтлар ҳам бўлган. Йиллар ўтиши билан қадимий анъана — Наврўзни баҳорда нишонлаш удуми голий келди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг давлатимиз раҳбари ташаббуси билан аждоқларимизнинг унут бўлиб кетаётган бебаҳо қадриятларини қайта тиклаш, уларга янгича маъно ва мазмун бахш этиш, Наврўз байрами билан боғлиқ маросим, урф-одат ва анъаналарини, бу жараёнда яратилган халқ оғзаки меросини асраб-авайлаш ва келажак авлодларга асл ҳолича етиб боришини таъминлаш билан боғлиқ кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Юртбошимизнинг байрам табригини тинглар эканман, 1990 йилнинг 2 майда имзоланган тарихий ҳужжат — «Наврўз халқ байрамини ўтказиш якуни



Гулжан ХАЛИМУРАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси.

лари тўғрисида»ги фармон ҳабдимдан ўтди. Мазкур фармоннинг аҳамияти шунда бўлган эдики, унда, аввало, Наврўзнинг тиклангани, бунинг республикамизнинг бутун аҳолиси мамнуният билан маъқуллаб, кўтаринқ руҳда қутиб олгани таъкидланган. Ана шундан буён Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳар йили Наврўз байрами кенг

нишонланади. Наврўз фалсафасида ерга ва табиғатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, деҳқон меҳнатини ҳурмат қилиш, одамларнинг тинчлик ва яхши кўшничликка, меҳр-мурувват ва бошқаларнинг дардига малҳам бўлишига интилишлари мужассам экани унинг тикланиши учун қудратли омил бўлди.



Фуркат ХОТАМОВ,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аппарати раҳбари.

— Давлатимиз раҳбари табригида мустақиллик йиллари Ватанимизда миллий қадриятларни янада камол топтириш, юртдошларимизда ўзига ишонч руҳини мустаҳкамлаш, дўстлик, бағрикенглик, ҳамжихатлик, меҳр-шафқатни удуллаш, маданият ва тарихий анъаналарни давом этти-

риш ҳамда ривожлантириш, асрлар давомида шаклланган урф-одатлар ва удуларни эъзозлаш мақсадида Наврўзни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш яхши анъанага айланганига алоҳида эътибор қаратилади. Ҳақиқатан ҳам, истиклол туғайли Наврўз нанки қайта

қарор топди, айна чоғда изчил ривожланди, такомиллашди, мазмун-моҳияти бойиб, эзулик билан йўрилган янги қирралари янада сайқал топди. Бир сўз билан айтганда, бугун Наврўз авлод-аждоқларимиз томонидан нишонланганидек халқимизнинг эмин-эркин, шод-хандон нишонлайдиган азиз айёми, элимизнинг оммавий сайлига айланади, тамомила янги руҳ, ўзгача тароват касб этди.

Наврўз билан боғлиқ кўлаб удулар қатори ҳашар ҳам азали анъаналаримиздан бири саналади. Зеро, йилбошида келаятган янги меҳнат мавсумининг

баракали, фаровон ва серфайз бўлишига умид боеланади. Наврўзнинг айнан кўкламги тенгқунликда, қиш ва баҳор алмашинишида, бугун борлиқ уйғондиган фароғатли дамда тантана қилинишининг муайян асослари бор, албатта.

Бу байрам ерни севишга, меҳнатни қадрлашга, кўклам муъжизаларидан лаззатланиш, ҳаётнинг боқийлигига имон келтиришга ҳам ўргатади. Бир сўз билан айтганда, Наврўз эски йил туғаб, янгиси бошланадиган, деҳқон умид билан ерга баракка уруғи қайиладиган саодатли кундир.



Фарход ЭШҚОБИЛОВ,
Шаҳрисабз туманидаги «Шаҳзодабону Фарход қизи» фермер хўжалиги раҳбари.

ўнгиларини сепиш ишлари ниҳоясига етказилди.

Эндилликдаги вазирамиз фақат хом ашё етиштириш билан чекланмасдан, уни қайта ишлаш, қишлоққа саноат ва инновациони олиб кириш жараёнини янада тезлаштиришдан иборат. Чунки қисқа муддатда ҳам

кўч сарфлаб, кўп ҳосил олишни таъминловчи янги инновацион технологиялар — томчилик суғориш, интенсив боғлар яратиш ва бошқа янгиликларни аграр соҳага фаол таъбиқ этишимиз зарурлигини даврининг ўзи тақозо этаётганда.

этишлари учун юртимизда барча шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Бинобарин, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, жисмоний тарбия билан шуғулланган ёшлар кучли, мард ва жасур бўлиб камол топди. Спорт уларни қатъиятли, ҳаёт синовлари ва қийинчиликларини мардона етиб ўтишга қодир инсонлар этиб тарбиялайди.

Фурсатдан фойдаланиб, истиклол фарзанди сифатида жаззаслик ёшлар номидан барча юртдошларимизни Наврўз байрами билан муборакбод этаман.

қолдирмагани аниқ.

Ана шу гамхўрликларга жавоб тариқасида, шунингдек, куни кеча Зулфия номидаги Давлат мукофоти лойиҳа деб топилганини кўчур аниқлаш ҳолда мазкур ишончини оқлашга, хусусан, халққаро майдонда янада улканроқ ютуқларни қўлга киритиб, мамлакатимиз доврўгини оламга ёйиш йўлида бор куч-ғайратимни ишла солишга ваъла бераман. Ўз навбатида, ушбу мақсадларимни рўёбга чиқаришим, яъни ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари, турли мусобақаларда иштирок

— Юртбошимизнинг Ўзбекистон халқига йўлаган табригини мен ҳам Ватанимиз тараққиёти ва элимиз дастурхони тўқинлиги учун меҳнат қилаётган фермерларнинг бир вакили сифатида келгуси ишларимиз учун оқ фотоҳа каби қабул қилдим.

Бу биз, фермерларни юксак марралар сари руҳлантириб, куч-ғайратимизни ошириши табиий. Зеро, Наврўз ўз руҳи ва гоғлари билан ҳар қайси инсон она заминининг, табиатнинг ажралмас узвий бўлаги эканини, табиатнинг нақдлар гўзал эканини ҳис қилиб, уни эъзозлаб, ҳамнафас бўлиб яшашга ундаши билан

бизга қадрлидир. Деҳқон ва фермерлар Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «...ҳосият ва фойз, кут-баракат ва мурувват каби хусусиятларини ўзида мужассам этувчи» Наврўз айёмида келгуси ишларимиз учун оқ фотоҳа каби қабул қилдим.

Жумладан, «Шаҳзодабону Фарход қизи» фермер хўжалиги меҳнатқашлари ҳам баҳорги агротехник тадбирларни аллақачон бошлаб юборишди. Кузда 35 гектар ерга сепилган бугдойни бегона ўтлар ва ёввойи сулидан химоялаш мақсадида тербициллар, галлани баргидан озиклан-тириш мақсадида суспензия

га қарата «...кўзлари ёниб турган, халқимизнинг таянчи ва суянчи бўлиши навқирон ёшларимизга — менинг фарзандларимга ўзининг чўқур меҳрим, севиғи ва ҳурматини изҳор этаман», деб мурожаат қилганлари тенгдошларимни бефарқ



Ирода МАТМУРУДОВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндери,
дўдо бўйича Осиё чемпиони.

— Президентимиз Ислон Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табриқ сўзи барча юртдошларимиз қатори биз, ёшларни ҳам чексиз гуруру ва ифтихорга тўлдирди, десам муболага бўлмайди. Зеро, бизлар-

Фуқаролик жамияти

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Миродил АБДУРАХМОНОВ,
«XXI asr»

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизими яратилди. Соҳа мутахассислари бу борада 200 дан зиёд қонунлар, ўнлаб Президент фармонлари ва қарорлари қабул қилинганини алоҳида таъкидламоқдалар. 6 мингдан зиёд ННТлар фаолият олиб бораётган Ўзбекистонда уларнинг ижтимоий аҳамиятга оид лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга ажратилган грантлар сони ҳам йил сайин ортиб бораётган. Хусусан, 2009 йилда ана шу йўналишга 444,6 миллион сўм ажратилган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 2300,4 миллион сўмни ташкил этган.

Энг асосийси, жойлардаги долзарб масалалар, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда иштирок этаётган ННТлар сони ҳам ортиб борапти. Мутахассислар ана шундай ННТлар сони 2,2 баробарга кўпайганини таъкидламоқдалар. Шу ўринда ННТларнинг жойлардаги ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларини ҳал этишдаги фаоллиги ортиб бораётганини ҳам қайд этиш лозим. 2012 йил давомида 300 дан ортиқ ННТ солиқни сақлаш, атроф-муҳит муҳофазаси, бандликни таъминлаш ва бошқа соҳаларга тегишли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш давлат дастурларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этган. Бу эса 2011 йилга нисбатан 2 бараварга кўп, демакдир. Шунингдек, ННТлар «Мустақкам оида йили» Давлат дастурида белгилаб берилган 87 та тадбирнинг 64 тасини амалга ошириш жараёнида бевоСИТА иштирок этганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Тадбирда тилга олинган яна бир қарам киши эътиборини тортади. Бу — институтнинг ҳудудий бўлиналари томонидан фуқаролик жамияти ривожланишининг турли жиҳатлари бўйича 1306 та тадбир ўтказилгани, уларнинг 200 га яқини туманлар ва чекка аҳоли пунктларида ташкил этилгани билан боғлиқ кўрсаткичдир. Айниқса, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада қучураштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»

асосида ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасига бағишланган, ННТ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, сайлов комиссиялари ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг жами 7 минг нафардан зиёд вакиллари иштирокида ўтказилган 200 га яқин давра суҳбати ва семинарлар 2012 йилдаги натижаларга асос бўлганини қайд этиш мумкин.

Бир қарашда булар ҳисоботлар даврида тилга олинган оддий рақамлардек туюлиши мумкин. Аммо ана шу тадбирларнинг аксарияти Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ишлаб чиқилаётган янги қонун лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасига бағишлангани, қонунчилик базасини мустаҳкамлаш жараёнида фуқароларнинг фаол иштироки таъминланаётганидан далолат берапти.

Шу ўринда Конференцияда Фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик назоратини амалга ошириш ва жойлардаги ижтимоий аҳамиятга молик бўлган муҳим вазифаларни ҳал этишдаги ўрни ва ролини ошириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилгани билан боғлиқ кўрсаткичларга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Бу, ўз навбатида, қўлга киритилган натижаларни таҳлил этиш баробарида мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини ҳам берди.

Фуқаролик жамиятининг асоси бўлган оммавий ахборот воситалари фаолияти, ривожланиш динамикасида оид маълумотлар ҳам тадбир иштирокчилари эътиборини тортиди. Хусусан, 1991 йили мамлакатимизда 395 та ОАВ фаолият олиб борган бўлса, бугун улар сони 1326 тага етди. Энг муҳими, уларнинг 60 фоизи нодавлат ОАВлар. Ўтган даврда ОАВларнинг фуқаролик жамияти ривожланишининг турли жиҳатлари бўйича 1306 та тадбир ўтказилгани, уларнинг 200 га яқини туманлар ва чекка аҳоли пунктларида ташкил этилгани билан боғлиқ кўрсаткичдир. Айниқса, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада қучураштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»

ташкил этган бўлса, кейинги чоракларда мос равишда 129, 144 ва 321 тага-ча етган. Энг муҳими эса ана шундай чиқишлардан кейин давлат ва ҳўжалик органлари томонидан на-шрларда кўтарилган масалаларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кўриш ҳолатлари кескин кўпайган.

Конференцияда асосий эътибор мамлакатимизда изчил ривожланаётган кўппартиявийлик тизимининг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ролига қаратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, мамлакат сиёсий майдонидидаги сиёсий қучлар гуруҳлари фаолиятга доир таҳлиллар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар, энг асосийси эса «Давлат бошқарувини янгиллаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун билан белгилаб берилган қафоллардан сиёсий партиялар қай даражада фойдаланаётганликларини яққол кўрсати.

Конференцияда сўзга чиққанлар, хорижий эксперт ва таҳлилчилар, ОАВ ходимлари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар фуқаролик жамияти институтларининг роли аҳолини сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, шахс ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳўмия қилиш, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда муҳим омил бўлаётганини кўрсатди.

Тадбирда, шунингдек, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишининг ҳолати ва истикболлари юзасидан ҳам фикрлар алмашилди.

Очиқ ва ишчан мулоқотлар руҳида ўтган Конференцияда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти олдига турган долзарб вазифаларни бажаришда ҳали ишга солинмаган имкониятлар мавжуд экани, мамлакатни демократик янгиллаш ва модернизациялаш жараёнидаги ролини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Тадбирда муҳим тавсиялар ишлаб чиқиш, тегишли қарор қабул қилинди.

«ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ»НИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётини очиб ва ҳолис ёритиш, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати моҳиятини аҳолига етказиш, қўлаверса зиё қаратини вазифаларини бажаради. Аммо улар орасида яна бир нашр борки, унда нафақат халқимиз ҳаёти, балки уни ёритаётган оммавий ахборот воситалари ҳамда унинг ходимлари фаолияти ҳам ўз аксини топади. Бу — «Ўзбекистон матбуоти» маънавий-маърифий, илмий-сиёсий журналидир.

Куни кеча ушбу нашрнинг 2013 йилдаги илк сони босмадан чиқди. Гарни номи ўзгармаган бўлсада, журнални арақтар экансиз, гўё янги нашрни қўлга олгандек бўлсиз. Биноми, дизайн, сифати, энг асосийси, мазмуни ҳам янгиланган нашрда давр нафаси уфуриб турганини ҳис этасиз. Илк саҳифада ўқувчи нигоҳини тортадиган «Матбуот қадри» мақоласида бу ўзгаришларга изоҳ берилди. Унда келтирилганидек, Президентимиз Концепциясида ОАВларга қўйилган талаблар, уларнинг демократик жараёларни қучураштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, одамлар ўз фикр ва гоғларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айланганини тақозо этмоқда. Шу босмадан ҳам тарихи узок, амомо шаклан ва моҳиятдан янгарган «Ўзбекистон матбуоти»нинг ижодкор жамоаси журналини янги форматда, янги концепция асосида нашр этиш, унинг мундарижасини янада бойитиш, соҳадаги ютуқлар ва камчиликлар акс этган таҳлилий-танқидий мақолаларни чоп этиш изчиллигини таъминлашни устувор вазифа, дея белгилаган.

Журнал янги сонининг «Обод турмуш йили»да дунё юзини кўрганида ҳам мажозий маъно бордек. Зеро, халқ фаровонлиги ва эл ободлигини таъминлашда, эркин фуқаролик жамиятини қуришда давр талабларига жавоб бера оладиган янгича матбуотга эҳтиёж сезилиши табиий. Шундан бўлса керак, журналнинг «Жамият», «Бугуннинг гапи», «Тажриба ва амалиёт», «Ёшлар ва маънавият», «Нигоҳ», «Шеъринг», «Хотира» каби руқилари остида чоп этилган мақолалар бугунги ислохотлар қўламини қамраб олади. Мақолаларнинг ички — ўзбек ва рус тилларида берилиши эса унинг ўқувчилар аудиториасини янги кенг бўлишидан дарак беради.

Албатта, Ой доғсиз бўмас. Янги журналда бугуннинг долзарб мавзулари маҳоратли муаллифлар ёрдамида очиб берилган бўлсада, уларнинг аксарияти ёш қаламкашлар экани, устоз ижодкорларнинг янги авлодга ибрат ва намуна бўлиши мумкин бўлган асарларига, уларнинг бой тажрибага эга тафаккур маҳсулларига қамроқ ўрин ажратилгани ўқувчини бироз мулоҳазага чорлайди.

Аммо шундай бўлсада, бу ҳали биринчи қадам эканини унутмаслик жоиз. Кейинги сонларда бу нашр янада такомиллашиб, моҳиятдан ва бадий жиҳатдан пухталаниб боришига ишончимиз комил. Бола бонидан билнади, дейишганидек, «Ўзбекистон матбуоти» журналининг илк сонёк шундай истиклолдан башорат бермоқда.

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси

барча юртдошларимизни,
Ватанимиз равнаки,
юртимиз тараққиёти йўлида
сидқидилдан меҳнат қилаётган
тадбиркорлар, мунис ва
мўътабар опа-сингилларимиз
ҳамда фермерларни
яшариш айёми —

НАВРЎЗИ ОЛАМ
билан самимий муборакбод этади.
Табиининг уйғониши,
борлиқнинг яшилликка бурканиши
барчамизга янги куч-ғайрат,
эзгу ниятлар бахш этсин!

Жараён

Депутатлик назорати янада кучайтирилади

Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада ◀◀

Озод РАЖАБОВ,
«XXI asr»

Мазкур тadbирларда оилавий корхоналарни ташкил этиш борасида фойдаланилмаётган имкониятлар, мавжуд муаммо ва уларнинг ечимлари, бизнеснинг ушбу шакли афзалликлари ҳусусида атрофлича фикр юритилди. Тегишли туман (шаҳар) ҳокимликлари иқтисодиёт бўлиmlари, тadbиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари, тижорат банклари, солиқ органлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан тақдим этилган маълумотлар жойлардаги ҳақиқий ҳолат билан қиёсий таҳлил қилинди. Энг муҳими, назорат-таҳлил тadbирлари ҳулосалари кўриб чиқиш учун халқ депутатлари вилоят кенгашидаги доимий комиссияларга тақдим этилди.

Халқ депутатлари Чортоқ туман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи эса «Тadbиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун ижроси юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил тadbирлари яқунлари бўйича тadbиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси, солиқ ва статистика органлари мутасаддиларининг ҳисоботларини эшитди.

Зеро, О'zLiDeP тadbиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлайдиган ҳуқуқий кафолатлар нафақат қонунчиликда белгилаб қўйилиши, балки амалиётда ҳам унга қатъий риоя қилиниши керак, деган ғояни илгартириш учун ушбу масала бир вақтнинг ўзида Урганч шаҳар ва Қонликўл туман кенгашидаги депутатлик гуруҳлари томонидан кўриб чиқилди. Агар Урганчда иқтисодиёт бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Э.Отажоновнинг ахбороти эшитилган бўлса, Қонликўлда тadbиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси бошлиғи М.Мамбетназаровнинг ҳисоботи муҳокама қилинди.

Халқ депутатлари Кармана туман кенгашидаги депутатлик гуруҳи йиғилишида эса О'zLiDePнинг 7 нафар депутати



тидан ташқари 19 нафар партия фаоли, тумандаги барча касб-хунар коллежлари директорлари, тижорат банклари ходимлари иштирок этдилар. Тadbирлар ассосий эътибор ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларни тadbиркорлик фаолиятига кенг миқёсда жалб этиш масаласига қаратилди.

— Қувонарли томони шундаки, 2012 йилги битирувчиларининг 25 фоизи тadbиркорлик билан шуғулланиш учун кредит олиш ва ўз бизнесини йўлга қўйишга эришдилар, — дейди Кармана саноат касб-хунар коллежи директори Ш.Абдурахмонов. — Шунинг учун ҳам бугунги йиғилишда улар сафини янада кенгайтиришга қаратилган тарғибот тadbирларини кучайтиришга келишиб олдик.

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси тавсияси асосида уюштирилаётган назорат-таҳлил тadbирлари Жиззах вилоятида ҳам қизгин тус олди. Жумладан, Янгиобод туманида касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш ва

уларни тadbиркорликка йўналтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шу муносабат билан битирувчиларга ўз бизнесини йўлга қўйиш учун имтиёзли кредитлар ажратишнинг бугунги ҳолати юзасидан туман ҳокими ўринбосари Д.Маматазимовнинг ҳисоботи эшитилди ва ҳисобот натижалари бўйича депутатлик гуруҳининг қарори қабул қилинди.

2012 йилда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича Марҳамат туманида ҳам ҳудудий дастур қабул қилиниб, унга мувофиқ, кичик бизнес ва ҳусусий тadbиркорлик субъектларининг саноат йўналишига доир лойиҳаларини амалга ошириш орқали кўплаб янги иш ўринларини яратиш белгиланган эди. Хўш, мазкур дастур ижроси қай даражада адо этилди? Халқ депутатлари Марҳамат туман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида ана шу масала юзасидан туман Бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари М.Холмирзаеванинг ҳисоботи эшитилди.

Маълум бўлишича, ўтган йили туманда жами 4112 та янги иш ўрни яратилиб, бу борадаги кўрсаткич 102 фоизга бажарилган. Жумладан, янги объектларни ишга тушириш, кичик корхона ва микрофирмаларни очиш, фермер хўжаликлари фаолиятини кенгайтириш, касаначилик асосидаги уй меҳнатини ташкил этиш, оилавий тadbиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига кўплаб янги иш ўринлари ташкил этилган.

Ҳисоботда таъкидланишича, бу борадаги ишлар жорий йилда ҳам изчил давом эттириляпти. Хусусан, «Обод турмуш йили»нинг ўтган икки ойида янги объектларни ишга тушириш, қайта қуриш ва кенгайтириш эвазига 12 та, кичик корхона ва микрофирмаларни очиш ҳисобидан 216 та, қурилиш-пураёт ишларини йўлга қўйиш орқали 71 та, хизмат кўрсатишнинг ривожлантирилиши туфайли 117 та, фермер хўжаликлари фаолиятини кенгайтириш натижасида эса 64 та доимий иш ўрни яратилган.

«Ёшлар қаноти»

Уйчилик ёшлар тadbиркорликни танлашяпти

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА НАВҚИРОН АВЛОД ВАКИЛЛАРИНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ТADBIRKOPPLIKKA КЕНГ ЖАЛБ ЭТИШ О'ZLIDEP ВИЛОЯТ, ТУМАН (ШАҲАР) КЕНГАШЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТМОҚДА

Шухрат РАҲИМОВ,
«XXI asr»

О'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши томонидан жойларда ташкил этилаётган ақсарият тadbирлар ҳам айнан ана шу мақсадга хизмат қилаяпти.

— «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган устувор йўналишлар зиммасига катта масъулият юклайди, — дейди О'zLiDeP Уйчи туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Отахонов. — Бу жараёнда эса либерал-демократик ғояларни қўллаб-қувватлаётган ёшлар шижоатидан унумли фойдаланялмиз.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган, ишсизлар сони тобора ўсиб бораётган, айрим минтақаларда эса турли нотинчликлар содир бўлаётган бир пайтда мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталикни сақлаш йўлида изчил сиёсат юритиляётгани, иқтисодиётимиз ривожланиб, айниқса, ёшлар ва аёллар учун янги иш ўринлари яратилаётгани келажак авлод вакилларига ҳаётий мисоллар ёрдамида тушунтирилмоқда. Зеро, партияимиз Ҳаракат дастурида ҳам бу масалаларга, жумладан, тинчлик-осойишталик

ни сақлаш, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга алоҳида ўрин берилган.

О'zLiDePнинг ёшларни тadbиркорликка йўналтириш, уларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида амалга ошираётган лойиҳалари жойларда ўтказилаётган тadbир иштирокчиларининг диққат марказида бўлаётгани бежиз эмас. Чунки тумандаги касб-хунар коллежларининг кўплаб битирувчилари «Диплом билан — бизнеста» ҳамда «Ишбилармон талаба» сингари танловларда фаол қатнашиб, тижорат банкларида имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлгани бошқаларнинг ҳам ҳавасини келтиряпти.

Уйчи туманидаги Файрат педагогика коллежи ва яқинда фойдаланишга топширилган янги мусиқа мактабида ўтказилган тadbирда «Хуррият» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шоира Абдуллаева сўзга чиқиб, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида амалга ошириляётган ишлар, хусусан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари» сайлови тўғрисидаги қонунларни янада тақомиллаштириш бўйича олиб бориляётган ишлар



юзасидан атрофлича маълумот берди. Зотан, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида маҳалла фуқаролар йиғинлари ваколати ва масъулиятини янада ошириш бўйича алоҳида бандлар ҳам киритилган.

— Мен Уйчи туман мусиқа мактабида сабоқ бераман, — дейди Турсуной Турсунова. — Ёшларнинг билим олиши, касб-хунар этилалари, спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилгани кўнглимизни тоғдек кўтаради. О'zLiDeP ташаббуси билан ўтказилган бугунги тadbирда эса, энг аввало, юртимиздаги тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиш, уни кўз қорачиқдек

асраш, мамлакатимизда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшимиз лозимлигини англаб етдим. Шундагина партия илгари сураётган ғоя — тadbиркорликни янада ривожлантириш имконияти бўлади ва бу жараёнда шижоатли ёшлар фаол иштирок этади.

Давра суҳбатида коллеж талабаларидан Рустамжон Обидов ва Дилбар Маҳкамова сўзга чиқиб, ўтказилган давра суҳбатидан катта таассурот олишганини, улар ўзларининг ағло ўқиши, жамоат ишларидаги фаол иштироки билан билирилган ишонччи оқлаш ниятида эканини изҳор қилишди.

Обод турмушда аёллар ҳиссаси ортмоқда

О'ZLIDEP ХОРАЗМ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ РАИСИ ЎРИНБОСАРИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ УРГАНЧ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ МЕҲРИБОН ЙЎЛДОШЕВА «XXI ASR» МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

— Бугун аёлларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш борасида яратилаётган имкониятлар туфайли О'zLiDeP электорати бўлган тadbиркор ва ишбилармон аёллар сони ҳам ортиб бормоқда. Айни пайтда вилоятимиздаги 947 нафар тadbиркор ва 242 нафар фермер хотин-қизлар партияимиз аъзоси бўлиб, ўтган сайловларда халқ депутатлари вилоят кенгашига 5 нафар, шаҳар ва туман кенгашларига 17 нафар партиядошимиз депутатликка сайланди. Икки нафар сафдошимиз эса Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сифатида фаолият олиб бормоқда.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда улкан натижа ва ютуқлар йили бўлган «Мустаҳкам оила йили»да хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, уларда тadbиркорлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган 50 дан ортиқ тadbир ўтказилди. Уларда ассосий эътибор қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, опсингилларимизнинг жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш масалаларига қаратилди. Бу борада Урганч шаҳар кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари билан ҳамкорликдаги ишларимиз яхши самара берди.

— «Обод турмуш йили»да ўз бизнесини бошламоқчи бўлган опа-сингилларимизга қандай амалий кўмак берилмоқда?

— Бу саволга жавоб қайтаришдан аввал ўтган йилги фаолиятимизга тўхталиб-ўтмоқчиман. Тўғри, 2012 йилда ўнлаб партиявий лойиҳалар муайян натижаларга асос бўлди. Энг чеكка туманларда ҳам тadbиркор аёл, кўплаб уй бекалари ва қизлар иштирокидаги тadbирлар партиянинг ғоя ва мақсадларини кенгроқ тарғиб этиш имконини берди. Хусусан, «Тadbиркорликни ривожлантиришда аёллар ўрни», «Оилавий тadbиркорликни ривожлантириш — бандликни таъминлашнинг муҳим омилдир» каби мавзулардаги тadbирлар ҳам

яхши самара берди. Натижада 2012 йили вилоятимиздаги 8 нафар хотин-қизнинг бизнес лойиҳаси 85 млн. 300 минг сўм маблағ эвазига молиялаштирилди.

Бу йилги фаолиятимиз ҳам асосан партиявий лойиҳалар негизига қурилмоқда. Бундан ташқари «Аёллар қаноти» ташаббуси билан ҳар бир хунарманд битган шогирд тайёрлаш вазифасини ўз зиммасига олди. Аммо,



О'ZLIDEP ДАСТУРИДАН

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аёлларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва тadbиркорлик фаолиятидаги ўрнини оширишга алоҳида эътибор қаратади.

очигини айтганда, бугун фаолиятимизда партиянинг дастлабки йилларидаги жўшқинлик етишмаётганини, бу эса ўз ишимизга танқидий ёндашиш лозимлигини кўрсатади. Ўтказилаётган тadbирлар, амалий мулоқотларда ҳам танқидий фикрлар, тақлиф ва мулоҳазалар билдирилмоқда. Шунинг учун ҳам улар асосида алоҳида Ҳаракат дастури ишлаб чиқилди. Барча фаолларимиз, айниқса, депутатларимиз билан астойдил Ҳаракат қилсак, «Обод турмуш йили»да албатта муваффақиятларга эришамиз.

— Жорий йилга мўлжалланган «Хотин-қизларни иш билан таъминлаш манзилли дастури» ижросида О'zLiDeP вилоят кенгаши, жумладан, «Аёллар қаноти»нинг иштироки қандай бўлаётган?

— Албатта, хотин-қизларни иш билан таъминлашда маҳаллий ҳокимликлар, тегишли ташкилотлар қатори сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Тўғри, биз бевосита иш ўринлари яратиш имкониятига эга эмасмиз. Бироқ бу муҳим ишга электоратимиз — тadbиркор ва фермерларни жалб этиш, бу жараёни доимий назоратта олиш учун бор имкониятларимизни

ишга соляяпмиз.

Сафимиздаги 1189 нафар фермер, тadbиркор ва хунарманд хотин-қизларимизнинг бу борада жонбозлик кўрсатаётгани айниқса диққатга сазовор. Масалан, Шовот туманидаги «Яншарбек Ражапов» ҳусусий корхона раҳбари Гулсара Нуржанова, Урганч туманидаги «Шодлик-шайдо» фермер хўжалиги раҳбари Раъно Рўзметова каби ўнлаб жонқуярларимиз саяё-ҳаракати билан ўтган йилнинг биринчи ярмида 150 дан ортиқ янги иш ўрни яратилган бўлса, йил якунида бу кўрсаткич 420 тага етган эди. 2013 йил бошидан эса хотин-қизларимиз кўмағида 130 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Ҳақиқатан ҳам, Хоразм вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» бўлими партия дастурий ғояларини амалга ошириш учун бор имкониятларини ишга солмоқда. Бундай интилишлар эса яқин келажакда ўз самарасини беришига шубҳа йўқ.

Наргиза ҚАҲҲОРОВА суҳбатлашди.

ХАБАРЛАР

ФАРОВОНЛИК МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Наврў байрами шодиёналари арафасида О'zLiDeP Шўрчи туман кенгаши «Ёшлар қаноти» ва туман «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан «Ҳайрабод» маҳалла фуқаролар йиғинида «Мамлакат фаровонлиги — обод маҳалладан бошланади» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тadbир иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирилар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича маълумот берилди.

— «Обод турмуш йили» Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда туман кенгашининг чоратadbирлар режаси ишлаб чиқилди, — дейди аппарат раҳбари А.Дониёров. — Унда, жумладан, туманда тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш, айниқса, қишлоқ аҳолисининг даромадлари, турмуш даражасини шу йўл билан ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Давра суҳбатига «Ҳайрабод» МФЙ раиси Маншур Ҳазратқулова ҳам сўзга чиқиб, ёш оилаларнинг мустаҳкам оёққа туриб олишлари учун уларга елкадош бўлиш зарурлиги, оилалар турмушини янада обод қилиш учун, энг аввало, хонадонларимиздаги тинчлик-хотиржамликни асраш лозимлигини таъкидлади. Давра суҳбати савол-жавоблар билан якунланди.

ТАЛАБЛАР ҚОНДИРИЛМОҚДА

Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълим бoшқармаси тасарруфидаги 129 та таълим муассасасининг 6 таси академик лицей бўлса, 121 таси касб-хунар коллежи, 2 таси эса Ички ишлар вазирлиги тасарруфидаги касб-хунар мактабларидир. Айни пайтда ушбу муассасаларда 125889 нафар ўқувчи (шундан 60404 нафари қизлар) 117 та мутахассислик бўйича билим олмоқда. Таълим муассасалари мутахассиллари ёшларни жисмоний, маънавий ҳамда интеллектуал жиҳатдан соғлом этиб ўстириш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратаётганлар. Қуни кеча Чирчиқ саноат ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида ўтган семинар ҳам айнан ана шу мақсадларни амалга оширишга қаратилди. Зеро, икки кун давом этган ўқувлар доирасида иштирокчилар ишлаб чиқариш усталари томонидан ўқув-амалий машғулотларни инновацион технологиялар асосида ташкил этиш, илгор педагогик технологиялар, интерфаол таълим услубларини ўқув жараёнига татбиқ этиш ва туپланган тажрибаларни омимлаштириш масалаларини муҳокама қилишди. Тошкент вилояти ўрта махсус касб-хунар таълим бoшқармаси вакиллари, жойлардаги коллежларнинг 160 нафардан ортиқ махсус фан ўқитувчилари ҳамда ишлаб чиқариш таълими усталари иштирок этган семинар якунида ўқувчилар томонидан тайёрланган «Бизнинг мода-деб номланган либослар намойиши ҳам ўтказилди.

Солижон ЗОИРОВ тайёрлади.

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини
қалбларимизга
меҳр нури,
баҳор нафаси,
бетакрор гўзаллик
олиб кирувчи
Наврўзи олам
билан қизғин
муборакбод этади.

Сизларга, сихат-саломатлик, бахт-саодат,
оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.
Баҳор байрамингиз қутлуғ бўлсин!



ЭЪЛОН

Реклама урнида



RAVNAQ-BANK

ХОАТЪ «RAVNAQ-BANK»

КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ОРАСИДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ ОЛИШ ХУКУҚИНИ БЕРУВЧИ БАНК СЕРТИФИКАТЛАРИНИ ҚЎЛГА КИРИТИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

- кредит миқдори — 20 000 000 сўмгача;
- кредит муддати — 3 йилгача;
- фоиз ставкаси — йиллик 12%;
- лойиҳа ўтказиладиган манзил — Тошкент ш.;
- сертификатнинг амал қилиш муддати (ғолиблар кредит олиш учун банкка мурожаат қиладиган давр муддати) — 3 ой;
- устуворлик ўқув юртлари битирувчилари учун иш ўринлари яратаётган, юқори технологик ва инновацион лойиҳаларга берилади;
- талабнома неликвидли баланс ёки ёмон кредит тарихига эга бўлган, зиён кўриб ишлаётган корхоналардан қабул қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун аризалар
30 март кунигача қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар:
(+99871) 120-36-55; 140-90-10

Хизматлар лицензияланган!

ХАБАРЛАР

ХАЙРЛИ АКЦИОНЛАР

Юртимизда Наврўз шукӯди кезиб юрган ҳозирги кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудиди бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам кенг қўламли кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Вилоятнинг туман ва шаҳарларидаги ташкилот ва корхоналар, таълим ва тиббиёт муассасалари ҳамда маҳаллаларда мевали ва манзарали дарахтлар экиш, мавжудларига шакл бериш, оқлаш, ариқ-зовурларни тозалаш, кўчалар, майдонлар, хиёбонларни тартибга келтириш ишлари давом этмоқда. Ёлғиз кекса ва ногиронлар, кам таъминланган оилаларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилмоқда. Ойлик доирада Оҳангарон туманидаги Саҳоват уйда «Қариялар эъозда» ва «Кўчат экайлик» акциялари ўтказилди.

«Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» муассасаси ҳамда Оҳангарон тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тadbирда кенг жамоатчилик вакиллари, турли касб эгалари ҳамда ёшлар иштирок этди. Таdbирда Саҳоват уйда яшовчи кишиларга байрам совғалари тақдим этилди. Бу ерда ташкил этилаётган ижтимоий масъул фуқаролар боғига минг туздан ортиқ дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди.

Х. САЛИМОВ, Ҳа мухбири.

АСАЛАРИЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА. БИРОҚ...

Қашқадарё вилоятида 2012 йили 99 та янги асаларичилик субъекти ташкил этилиб, улар сони 472 тага, асалари оилалари эса 33000 тага етди. Тармоқни ривожлантириш учун ўтган йилнинг ўзида тижорат банклари томонидан 984,2 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. 2010 йилда 188 тонна асал етиштирилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 300 тоннадан ошди. Жорий йилда эса 400 тонна асал олиш режалаштирилмоқда. Ана шундай натижаларга қарамай, таҳлилчилар вилоят бозорларида асал сотишга мўлжалланган махсус савдо расталари ташкил этилиш, асалари касалликларига қарши курашни бир тизимга тушириш, ветеринария хизматини бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиш лозимлигини таъкидламоқдалар.

— Ҳар йили 1 тоннагача асал оламан, — дейди тажрибали асаларичи Турсун Туропов. — Арилар учун озуқа излаб бутун воҳани кезамиз. Тўғри, даромадимиз йил сайин ошил борапти. Аммо махсулотни ҳам ўзимизда, ҳам хорижда сотиш учун ихтисослашган савдо шохобчалари ташкил этилса, янада яхши бўларди. Ишонаманки, яқиндагина иш бошлаган «Қашқадарё асали» МЧЖ бу борада бизга мададкор бўлади.

Сайфулла ИКРОМОВ.

НАМАНГАҲА — 24 МИЛЛИАРД

«Обод турмуш йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида Наманган вилоятида жами 270 та, шундан 81 та қорамолчилик, 41 та паррандачилик, 41 та балиқчилик, 107 та асаларичилик йўналишидаги лойиҳалар амалга оширилди. Натижада 600 дан зиёд янги иш ўрни ташкил этилиб, бунинг учун тижорат банкларида 24 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағи ажратилиши белгиланди.

Аҳроржон МУСУРМОНОВ.

БУХОРОДА ХАЙРИЯ ҲАШАРИ

Барча ҳудудларимизда бўлганидек, Бухоро вилоятида ҳам 16-17 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.

— Икки кунлик ҳашарда 957 минг нафардан зиёд бухоролик иштирок этди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раҳбари Маҳмуд Тоиров. — Талбир қатнашчиларининг 610 минг нафардан ортигини навқирон авлод вакиллари ташкил этди. Ҳашар давомида вилоят бўйича 2207 гектар майдон ободонлаштирилиб, 8623 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари чиқариб ташланди. 1373 километр узунликдаги ариқлар тозаланиб, кўплаб зиёратгоҳ ва қабристонлар ободонлаштирилди.

Бундан ташқари икки кун давомида кам таъминланган кишилар истиқомат қиладиган, яқса-ёлғиз ва боқувчисини йўқотган ҳамюртларимизнинг уй-жойлари таъмирдан чиқарилди. Эҳтиёжманд оилалардан 1750 тасита мурувват ёрдамлари кўрсатилиб, ушбу мақсадлар учун жами 62 миллион 99 минг сўм маблағ сарфланди.

Асхор ИСТАМОВ.

«COLLEGIAL PROTECT»

Ўз хизматини тақлиф этади

Хўрматли тadbиркор ва фермерлар! Тошкент шаҳридаги «COLLEGIAL PROTECT» адвокатлик фирмаси мамлакатимизнинг барча ҳудудлари бўйича келишилган нархларда ўз хизматини тақлиф этади. Янги фирма томонидан тadbиркор ва фермерларга зарур юридик ёрдам кўрсатилиши таъминланади. Бу эса соҳа раванки ва конунийлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Мурожаат учун телефонлар:
8 (371) 269-00-40,
(+99890) 982-41-68, (+99893)
502-62-99.

Хизматлар лицензияланган!

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ УЮШМАСИ ХУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БўЙИЧА ЛОЙИҲА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲА ҲОЯЛАРИ БўЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эриштиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»-ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 ва «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»-ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474 сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларидаги иштирокини рағбатлантириш орқали улар учун янада қўлай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари уюшмаси хузурида инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа хужжатларини тайёрлашни молиялаштириш Фонди ташкил этилди.

Фонд томонидан лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа хужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади ҳамда республика тижорат банклари томонидан молиялаштирилишига қўмакланилади.

Танлов қўйилади йўналишларида ўтказилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилан.

Танловга инвестицион жозибдорликка ва саноат соҳасида табиқ эгши истиқболга эга, шунингдек, маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа хужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги хужжатлар тақдим этилиши лозим:

- Ариза (намуна бўйича);
- Инвестиция тақлифи (намуна бўйича);
- Инвестиция тақлифи паспорти (намуна бўйича);
- Батафсил маълумот учун:
- Тел: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08;
- Web-site: www.fpd.uz;
- E-mail: pdf.fund@gmail.com.

Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Асадулла Ҳўжаев кўчаси, 1-уй.
Ўзбекистон банклари уюшмаси биноси, 15-қavat. Муҳалат: «Истиқлол» сағат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

1-илова

Лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танловда қатнашиш учун
БУЮРТМАНОМА

- _____ (ташабулсқор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)
- _____ (тақдим этилаётган ғоявий лойиҳанинг тўлиқ номи)
- _____ (Ф.И.О., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

- Буюртманомага қуйидаги хужжатлар илова қилинади:
— Инвестиция тақлифи;
— Инвестиция тақлифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари

(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

2-илова

Инвестиция тақлифининг
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

- Лойиҳанинг номи;
- Лойиҳа ташаббуслорни тўғрисидаги умумий маълумотлар:
номи ва реқвизитлари;
асосий фаолият тури;
асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизмат)ларнинг, экспорт ва бошқаларнинг қиймати ва ҳажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари.
- Негизда лойиҳани амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона (мавқуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:
корхонанинг номи ва реқвизитлари;
асосий фаолият тури, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар турлари;
охирги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);
умумий ҳудуди ва буш ишлаб чиқариш майдонлари;
мавқуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфраутилмаси тўғрисидаги маълумотлар;
кадрлар салоҳияти.
- Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
4.1. Маркетинг:
ишлаб чиқариш учун тасвир этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми; дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси; мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавқуд бўлганда); маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбароборлигининг баҳоси.
- Ишлаб чиқариш:
лоийҳанинг хом ашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси;
зарур бўладиган ҳодимлар сони.
- Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш:
инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
- Молиялаштириш:
лоийҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;
объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;
лоийҳани амалга ошириш учун ўз маблагларининг мавқудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиж.
- Лойиҳани амалга оширишдан қутилиётган натижалар:
қутилиётган йиллик тушум ва соф фойда;
экспорт ҳажми.

3-илова

Инвестиция тақлифининг
ПАСПОРТИ

(лоийҳанинг номи ва жойлашган жойи)

№ п/п	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа параметрлари	Изоҳ
1.	Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан:	минг долл.		
1.1.	миллий валютада	млн. сўм		
1.2.	хорижий валютада	минг долл.		
2.	Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси:	минг. долл.		
2.1.	шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун	минг долл.		
2.2.	Қурилиш-монтаж ишлари учун	минг долл.		
3.	Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси	млн. сўм		
3.1.	шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун	млн. сўм		
3.2.	қурилиш-монтаж ишларига	млн. сўм		
4.	Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони	киши		
4.1.	шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринларида	киши		
5.	Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси	йил		
6.	Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида	ўлчов бирлигига мувофиқ		
6.1.	шу жумладан, экспорт учун ўлчов бирлигига мувофиқ			




Муборак газни қайта ишлаш заводи жамоаси

юртимиз аҳлини
баҳорнинг гўзал айёми —

Наврўзи олам билан

самимий табриклайди.
Халқимизнинг бой
маънавий қадриятлари,
маданий мероси, асрлар давомида
шаклланиб келган урф-одатларини
ўзида мужассам этган Наврўз
юртимизга тинчлик ва осойишталик,
хонадонларимизга
файз-барака олиб кирсин!



«XXI ASR»
2013 йил 20 март,
чоршанба,
11 (487)-сон

Сўнгги саҳифа



Кейинги бекат — Сармишсой дараси

«ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САЊЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ ҲАМДА ЮНЕСКО ВАКОЛАТХОНАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН «АСРЛАР САДОСИ» АՒЪАНАВИЙ МАДАНИЯТ ФЕСТИВАЛИНИНГ НАВБАТДАГИ ТАНТАНАЛАРИ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 4-5 МАЙ КУНЛАРИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИНИНГ САРМИШСОЙ ДАРАСИДА ۇТАДИГАН БۇЛДИ

Шухрат ХўЖАЕВ,
«XXI ASR»

Таъкидлаш жоиз: Навоий маъмурий марказ сифатида нисбатан ёш шаҳар ҳисобланса-да, тарихчи-олимларнинг таъкидлашича, вилоят Работи Малик карвонсаройи (XI аср), ўрта асрларга оид Шайхул Нури қалъаси қолдиқлари, Намозгоҳ масжиди, қадимги Учтут маъданлар кони каби қўлаб ноёб қадимжоларга бой худуд саналади. ۇз навбатида, Кармана шаҳридан 30-35 км. узоқликда жойлашган, 6-7 минг йил аввал қоятошларга битилган ноёб чизгилар, яъни петроглифлар тўпланган маскан сифатида машҳур бўлган Сармишсой дараси ҳам вилоятга ташриф буюрган сайёҳлар эътиборини кенг жалб этаётди. Зеро, худуддаги 10 мингта яқин петроглиф ўзида ибтидоий жамоа тузумидан зардуштийликкача, олов ихтиро қилинишидан тортиб, овчилик санъати ривожлангунгача бўлган давр воқеа-ҳодисаларини қамраб олган. Қизил ва оқ қояларда ўша даврдаги иш жараёнлари, турли маросимлар, қурол-аслаҳалар, кийим-кечак ва тақинчоқлар, шунингдек, ёввойи ва уй ҳайвонлари



акс эттирилган суратларни кўриши мумкин. Сармишсойнинг одамларни ўзига тортидиган яна бир жиҳати, бу унинг мафтунок табиати. Айниқса, қўқламда дара гўзал киефага кирди. Маълумотларга кўра, айна пайтда ишлаб чиқилаётган фестивал дастурига мувофиқ, «Асрлар саоси-2013»да ҳам ағнаана содиқ қолган ҳолда янги номлар кашф этилади. Меҳмонларга бетақдор юртимизнинг яна бир тарихий маскани

ҳақида батафсил маълумотлар берилиб, унинг ўзига хос жиҳатлари очиб берилди. Эслатиб ўтиш лозим: олтинчи мартаба ўтказилган «Асрлар саоси» фестивали 2008 йили Шаҳрисабз яқинида, 2009 йилда эса Тошкент вилоятида ташкил этилган. Айна 2009 йилдан бошлаб ЮНЕСКО ҳамкорлигида ўтказилган улкан санъат тадбирини 2010 йилда Хиванин Ичан-Қалъаси, 2011 йилда эса Бухоро шаҳри мезбон-

лик қилган. 2012 йилда эса «Асрлар саоси» ағнаанавий маданият фестивали Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиқалъа туманидаги қадимий Тупроққалъа ёлғорлигида ўтказилган. Шу ўринда ўтган 5 йил давомида лойиҳада 200 мингта яқин киши иштирок этганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бундай кўрсаткичлар эса ушбу маданият-маърифий тадбирнинг чиндан ҳам «Асрлар саоси» номига монанд эканидан далолат бермоқда.



КАПТАР ҲАМ ТЕЛЕВИЗОР КўРАДИ. БИРОҚ...

Маълумотларга кўра, баъзи қушлар ён-атрофдаги объекتلарни таҳлил этиш, аниқроғи, визуал тасвирни информация тарзида қабул қилишни одамларга нисбатан уч баробар тезроқ амалга ошира экан. Олимларнинг таъкидлашича, каптар ёки мусичлари телевизор экрани олдида ўтказиб, кинофильм намойиш этилса, 1 сонияда кўзимизга кўринган 24 та кадр қанотли дўстларимизга бирон-бир анжуманда намойиш этилган слайдлардек намой бўлади. Зеро, ўта сезгир кабуларлар онгида том маънодаги ҳаракат таассуротини уйғотиш учун унга бир сонияда камиди 75 та кадр кўрсатиш керак. Шу боис ҳам йўлларда сайр этиб юрган каптар ёки мусичлар улар ёнига автомобиль яқинлашиб, гўёки қушларни уриб юборай деганидагина учини лайига тушади. Бинобарин, соатига 60-70 км. тезликда кетаётган автоулов улар кўзига филдиранини зўрга айлантираётгандек туюлар экан.

ХАБАРЛАР

ҲАР ТОМЧИСИ ҲИСОБДА

Тошкент ирригация ва мелiorация институтида 22 март — Ҳалқаро обихўёт кунига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тегшли давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, мутахассислар ва журналистлар иштирок этди. Ўзбекистон Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари К.Солиқов, Тошкент ирригация ва мелiorация институти ректори ۇ.Умурзоқов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётгани инсон манфаатларига хизмат қилаётганини таъкидлади. Ўзбекистон Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан мамлакатимиз ҳудудидан оқиб ўтувчи дарёларнинг сувни муҳофаза қилиш минтақалари ва қирғоқбўйи полосалари белгиланган. Қашқадарь, Зарафшон, Чирчиқ, Сурхондарь, Норин ва Қорадарьнинг сувни муҳофаза қилиш минтақасида жойлашган, дарёлар сувини инфoслантираётган икки юздан зиёд иншоот ушбу худуддан кўчиришди. Бунинг самарасида дарёлар сувининг инфoслантиш даражаси муттасил камаймоқда. Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, мамлакатимиз аҳолиси ичимлик сув таъминотининг сақсон фоизи ер ости чуқур сув манбалари ҳисобига тўри келади. Улар захираси камайиб кетишининг олдини олиш — долмий эълборда. Шу мақсадда республика аҳамиятига эга ўн бир, вилоятлардаги саккиз ер ости чуқур сув манбалари алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худуд мақоми берилган. Мамлакатимиз ирригация-прежа тизимлари тизимли реконструкция ва модернизация қилинмоқда. Насос станциялари ва сув хўжалиги иншоотлари қийта жиҳозланиб, аграр тармоқда тежамкор услуб ва технологиялар қўлланаётди. Илмий-амалий семинара сув захиралари муҳофазасига оид қонунчиликни тақомиллаштириш, экологик таълим ва тарбиот ишлари самардорлигини ошириш масалаларига бағишланган маърузалар тинланди.



Б.ХИДИРОВА, ۇза мухбири.

6,4 МИЛЛИАРД СўМЛИК СУғУРТА БАДАЛИ

«Ўзбекивест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ташаббуси билан Ўзбекистон миллий матбуот марказида ташкил этилган анжуманида компаниянинг 2012 йилдаги фаолияти яқунлари ва «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида белгиланган вазифаларига бағишланди. Унда таъкидланганидек, 106 та филиал ва бўлима, 1043 та агентлик тармоғига эга ушбу ташкилот томонидан 2012 йилда 4 та суғурта хизмати ишлаб чиқилиб, 100 дан ортқ суғурта тури модернизация қилинган. 8 та суғурта бўлимаси ташкил этилиб, жами 6,4 миллиард сўмлик суғурта бадали амалга оширилган. Компания вакиллариининг билдиришича, Давлат «Инвестиция дастури»даги 65 та лойиҳа суғурта қилинган ҳамда уй-жой қурилишига компания томонидан 367 миллиард сўм миқдорда ҳомийлик ёрлами кўрсатилган. Жорий йилда эса «Ўзбекивест» компанияси «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий, маънавий ривожлантириш йўлида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тақдим этилаётган суғурта хизматларини янада кенгайтириш ва унинг сифатини ошириш, вилоятларда 10 та яқин суғурта бўлимаси ташкил этиб, қўшимча тарзда интернет-суғурта тизимини ривожлантиришни ҳам режалаштирмоқда.

ЭНДИ «VOLVO» СИЗНИ УРИБ КЕТМАЙДИ



Швейцария пойтахти — Женевада бўлиб ўтган автомобиллар кўргазмасида «Volvo» компанияси йўлларда хавфсизлигини мустақил таъминловчи тизимга эга бўлган янги машинани тақдим этди. Ушбу «ақли» автомобилнинг афзаллиги шундаки, у 10 метргача бўлган масофани автоматик равишда кузатиб боради ва олдида чиқиб қолган шёда ёки велосипедчини ۇз вақтида аниқлаб, тўхтайтиди. Компания бундай тизимдаги 6 та моделни жорий йилнинг май ойида тақдим этишни режалаштирмоқда. Равшан ҲАЙДАРОВ тайёрлади.

ЁШЛАР ДОНА СУРДИ

Пойтахтимизда 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати якунилади. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Шахмат федерацияси томонидан ташкил этилган мусобақда юз нафарга яқин шахматчи дона сурди. Қизлар ўртасида жаҳон чемпионати совриндори, фарғоналик Гулруҳбегим Тоҳиржоновна барча учрашууда галаба қозонган ягона шахматчи бўлди. Муаддатидан олдин чемпионликни расмийлаштирган Гулруҳбегим сўнгги турда қашқадарьлик Бахтигул Абдулсалимовани мот қилди. Пойтахтлик Дина Абдулмажид навоийлик Гулҳаё Эргашевани енгиб, етти очко билан қумуш мелалини қўлга киритди. Мезбонлардан Баҳора Абдусатторова хоразмлик Нилуфар Ҳўббобоева билан дуранг ўйнаб, кучли учқандан жой олди. ۇғил болалар мусобақаси кутмамаган натижаларга бой бўлди. Дастлабки турларда мағлубитсиз ўйнаб, етти очко билан пешқадамлик қилган жаҳон ва Осиё чемпиони Нодирбек Абдусатторов (Тошкент) сўнгги партияда хоразмлик ۇлмабек Ҳакимовга ютқазди. Бундан унумли фойдаланган пойтахтлик Ортиқ Незматов ۇз ҳамшахари Фотиҳ Абдулоқлимовни, «Умид иҳлолари — 2012» совриндори, хоразмлик Нодирбек Ҳўббобоев тошкентлик ФИДЕ устаси Темури Ибонини мот қилиб, етти яримдан очко билан Н.Абдусатторовдан ўзиб кетди. Қўшимча кўрсаткичларга кўра Ортиқ Незматов еттинчи мартаба Ўзбекистон чемпиони бўлди. Нодирбек Ҳўббобоев иккинчи, Нодирбек Абдусатторов эса учинчи ўрнини эгаллади.

Сўранг, жавоб берамиз!

— Яқинда дўндан кири ювиш воситаси сотиб олдим. Унинг қадогамга оғирлиги 500 грамм деб кўрсатилган бўлсада, бироқ, назаримда, у белгиланганидан камдек туюлди менга. Айтинчи, қадокланган махсулотлар миқдорини қандай аниқлаш мумкин? С.Абдулоқлимов, (Тошкент шаҳри).

— ۇрамларга қадокланган ҳар қандай махсулот ёрлигида махсулотнинг қадоксиз соф оғирлиги (неттоси) кўрсатилиши лозим, албатта. Масалан, сотиб олган махсулотнингизда давлат стандарти талабларига кўра белгиланганидан хаттолик чегараси 9 граммдан ошмаслиги керак. 500 граммдан 1 килограммгача қадокланган махсулотлар эса белгиланганидан 15 граммгача кам чиқилиши мумкин, яъни хаттолик чегараси шу миқдорда белгиланган. Ушбу ҳолатлар ишлаб чиқариш корхоналари устидан истеъмолчилар манфаатларини қўлаб давлат метрологик назорати ўтказилаётганда долмо эътиборга олинади.

Савоалга «Устандарт» Агенстваси мутахассиси Ирода Усмонова жавоб қайтарди.

Спорт

ҚИШКИ ОЛИМПИАДАГА ИЛК ЙўЛЛАНМА

Фигурали учиш бўйича мамлакатимизнинг энг кучли спортчиси Миша Ге 2014 йили Сочи шаҳрида ўтказилган XXII қишки Олимпия уйинларига йўлланма олди. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасидан хабар беришларича, фигурали учиш бўйича Канадада ўтган жаҳон чемпионатида 25 мамлакатдан энг сара 34 спортчи совринли ўринлар ва Сочи Олимпиадасининг дастлабки йўлланмалари учун куч синашган. Жаҳон чемпионатида қисқа ва ихтиёрли дастур бўйича ۇз композициясини юқори савияда намойиш этган ҳамюртимиз умумий ҳисобда 207,5 балл жамғариб, энг кучли 16 нафар спортчи қаторидан жой олди ва Олимпиада йўлланмасини қўлга киритди.



Мустақиллик тенгдоши Миша Ге 2009 ва 2010 йилларда Ўзбекистон чемпионатида голиб чиққан. Жорий йилнинг февраль ойида Японияда бўлиб ўтган Осиё, Америка, Африка ва Австралия қитъаларининг энг моҳир спортчилари иштирокидаги тўрт қитъа чемпионатида қатнашди. Буларнинг барчаси ҳамюртимизнинг Канададаги жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этишида муҳим омил бўлди.

Зоҳир ТОШХўЖАЕВ, ۇза мухбири.

Азиз газетхонларимизни кутлуг байрам — Наврўз билан табриклаб, илиқ баҳор ҳавоси каби самимий тилаklarимиз ҳамда об-ҳаво башорати уларга аъло қайфият бахш этсин, деб қоламиз.



Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга кўра, 21-28 март кунлари Ўзбекистонда об-ҳаво ўзгарувчан бўлиши кутилмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, республикамизнинг баъзи худудларида ёмғир ёғиши, тоғли ва тоғолди худудларда 21-26 мартда қор қўчиш, сел келиш хавфи бор. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кечаси 2-7 даража илиқ, 21 мартда 0-2 даража совуқ, кундузи 17-22 даража илиқ бўлади. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарь вилоятларида кечаси ва эрталаб баъзи жойларга туман тушади. Ҳарорат кечаси 5-10, кундузи 17-22 даража илиқ бўлиши кутилмоқда. Қашқадарь ва Сурхондарь вилоятларида Ҳарорат кечаси 7-12, кундузи 21-23 март кунлари 13-18, ҳафтаининг охирига бориб 18-23 даража илиқгача кўтарилди. Республикаимизнинг Шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида термометр кўрсаткичлари кечаси 5-10, кундузи 21-23 мартда 12-17, 24-27 март кунлари эса 17-22 даража илиқ бўлади. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда Ҳарорат кечаси 5-10, кундузи 17-22 даража илиқ бўлади. Тоғли худудларда 21,23,24 март кунлари ёмғир (қор) ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат кечаси 2-7 даража илиқдан 2 даража совуқ-3 даража илиқгача ўзгариб туриши, кундузи 7-12 даража илиқ бўлиши кутилмоқда.

Реклама

ДЕҚДИ ВА ФЕРМЕР ۇЖАЛИКЛАРИ, ҚўРАНИ ТАНКИЛАТЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАР АНИҚЛАТИЛДИ!
Андижон шаҳридаги «ИДЕАЛ ИНТЕР ФАРМ» ИМЧ чекланмаган миқдорда металл сеткаларини етказиб беришини маълум қилди. ۇловлар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек, буортмечи илтимосига кўра, махсулот етказиб бериш учун транспорт хизмати кўрсатилиши мумкин.
Манса: Андижон шаҳри, А.Дўрғанов кўчаси, 30-уй. Тел: (+99899) 654 01 071 288 01 071 (+99899) 498 21-60
Махсулот сертификатланган.

РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ ВАЗИРЛИК, ОЛИЙ ВА ۇРТА МАХСУС ۇҚУВ ЮРТЛАРИ, ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!
«ШАРҚ ИМП ЭКС» туристик компанияси Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива шаҳарлари бўйлаб барча қулайликларга эга бўлган саёҳатлар уюштиришини маълум қилади.
Нархлар келишилган ҳолда амалга оширилади.
Маълумот учун телефонлар: (+99899) 273-02-95, (+99899) 507-04-60
Балхос келишилган нархда.
Хизматлар лицензияланган!

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши Мафқуравий тарбиот-ташвиқот ишлари бўлими мудири Исмоил Ражаматовга падари бузруквори Исмоилов Мамат хожи отанин вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этди.

XXI ASR
ЎТМОИЙ-СИОСИЙ ГАЗЕТА
ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР
НАРАКАТИ — О'ЗБЕКISTON LIBERAL-
DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Мухаммадқосим ТЕШАББОВ, Абдурашид ЖўРАБОВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯҚУБОВ, Баҳодир ҒАЙИЕВ, Зинеддин УБАЙДУЛЛАЕВ, Илхом НАСРИЕВ, Муълал АҚРАМОВА, Равайн ОХУНОВА, Шухрат ЮРИТОВ, Шухрат СРИТОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАХРИРИЯТ: Отаб РАЖАБОВ, Марк ЮСУПОВ, Зўраб АББОРОВА, Шаҳид НАЗАРОВ, Сайфулла ИКОМОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Темир АБДУРАХМОНОВ, Ноир ТОШЕВ, Ориф УЛМАСОВ, Янғибой ҚўЧҚОРОВ.
БОШ МУХАРРИР: Миродил АБДУРАХМОНОВ.
БЎЛИМЛАР: Копибиот — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Кабулхона — 215-63-80 (тел./факс).
ТАХРИРИЯТ МАНБИЛИ: Тошкент, Нусус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: xxborgo@asr.uz, xxi_asr@yahoo.com, xxi_asr@mail.ru.
«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тақрирнинг нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида chop этилди. Корхона манзили Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» иқтисодий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
Буюртма рақами: 1 6703. Тираж: 25 089
Балхос келишилган нархда.
Тошкентда — 2000
ISSN 2161-497X
9 772161 497007
Навбатчилар: Қ.САЙДАЛИЕВ, Ж.ЖўРАЕВ.
НАШР КўРСАТКИЧИ: 406